



# ҚАДРИ УЛУҒ АЁЛЛАР

Танлов

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнаомлигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларнинг тадбиркорлик қобилиятини қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, фаол, фидойи, ташаббускор хотин-қизларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган "Йил аёли" танловининг республика босқичи ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди, десак, янглишмаймиз. 2007 йилдан буён уч босқичда ўтказиб келинаётган ушбу аънавий танловда ўз иқтидорини намойиш этиш, жамиятда муносиб ўринга эга бўлиш борасида ютуқларга эришган етакчи аёллар билан бирга фарзандларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаётган уй бекалари ҳам иштирок этиб келмоқда. Маскур танловнинг куйи босқичларида ўттиз мингдан зиёд аёллар камраб олинган бўлиб, улардан 14 нафарига республика босқичида қатнашиш насиб этди.

— Иш билан машғул бўлган инсон

албатта янгиликларга қизиқувчан, бунёдкорлик ғояларига бой бўлади, — дейди **Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Озода Парпибоева**. — Бундай инсонларнинг, айниқса, ташаббускор аёлларнинг сони ортишидан жамиятимиз фақат фойда кўради. Улар шарҳ ва кишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, вақтинча



иш билан банд бўлмаган уй бекаларини меҳнатга жалб қилиш орқали аҳолининг маиший турмуш тарзи яхшиланиши, маҳалла фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

— Давлатимиз раҳбарининг юртимиз аёлларига бўлган ишончи, рағ-

бати ҳар биримизни илҳомлантиради, бу эса ўз куч ва қобилиятингга ишончингни орттириб, ҳаётда фаол бўлишга ундайди. "Йил аёли" деган шарафли номга эга бўлишим замирида ҳам ана шундай ишонч мужассам, — дейди **танлов голиби Андижон вилояти Асака тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари, педиатр Наргиза Сатторова**. — Ушбу мукофот келажакда Ватанимиз равнақи учун билим ва иқтидор, ғайрат ва садоқат билан меҳнат қиладиган соғлом фарзандларни тарбиялаш, тадбиркорлик соҳаларида янгиликлар яратишимда менга янада шижоат, куч-қувват бағишлайди. Ҳозирда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида амалий иш олиб борилмоқда. Коллежimiz қошида "Тиббиёт камалаги" номли хусусий унитар корхона очиб, бир неча қизларимизни иш билан таъминлашга эришдим. Ҳозирда улар тикувчилик, пазандачилик, сартарошлик каби ҳунарларни пухта ўрганиб келишмоқда.

"Йил аёли" танловининг голиб ва совриндорларига диплом ҳамда совғалар топширилди. Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури кечага янада файз бағишладиди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
"Оила ва жамият" мухбири.

## САОДАТ МАСКАНИ

Истиклолимизнинг илк йиллариданоқ юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Азалий кадрларимизга уйғун бу эзгу ишларнинг манткий давоми яқинлашиб келаётган 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланишида янада ёрқин акс этди.

Оила қувончи бўлган фарзандларнинг дунёга келиши, жисмонан ва маънан соғлом ўсиши, ақл-заковатли бўлиб вояга етишида онанинг ўрни беқиёс. Албатта, нафақат ота-оналар бахти, балки жамият равнақида ҳам ҳаётини аҳамият касб этувчи бу вазибаларни урдалаши учун аввало аёлнинг ўзи соғлом, илму маърифатли, оиласи тинч-хотиржам бўлмоғи лозим. Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, соғлом бола, аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Хонадоннинг кўрки, чиройи — аёл, у оиланинг гултожи, десак муболаға бўлмайди. Фақат у меҳр-муҳаббатдан, самимий эътибордан яшнаб, оила деган қутлуг маскани файзга тўлдириб яшайди, фарзандларини оқила-

лик билан тўғри тарбиялайди. Аёл ўз тақдирини ўз оиласининг саодати, тинчлик-хотиржамлиги, фаровонлигида кўради. Шу боис ҳам бахт манзили деб таъриф берилган оила Асосий Қонунимиз — Конституциямизда жамиятимизнинг асосий бўғини сифатида бежиз эътироф этилмаган. Юртимизда аёлни ардоқлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар оилани қадрлаш ва унга ғамхўрлик кўрсатишдек эзгу ишларимиз билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Юртбошимизнинг: "Қачон аёл бахтли бўлади? Авваломбар, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғлом бўлса. Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оила тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса", деган пурмаъно сўзлари юртимиздаги ҳар бир аёл қалбини фаҳр ва қувончга тўлдирганлиги ҳақиқат. Шундай улугвор мақсадларни кўзлаб, "Соғлом бола йили"да амалга оширилган кенг камровли ишлар келгуси ҳаётимиз янада гўзал бўлиши, фарзандларимиз соғлом камол топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Лола НАРЗУЛЛАЕВА,**  
Самарқанд шаҳар 13-сон ДНИ нотариуси.

## ҲАЁТ ЙЎЛЛАНМАСИ

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари янги оилада дунёга келадиган фарзандларнинг соғлом туғилиши ва баркамол ўсишини таъминлайди. Бунда тиббий кўрик ФХДЭ органлари томонидан берилган йўлланма бўйича бепул ўтказилади ва никоҳланувчилар белгиланган бешта касаллик бўйича текширувдан ўтади.

Яқинда бўлимизга келган Шохида исмли қиз (исми ўзгартирилган) никоҳдан ўтиш учун ариза беришга келгани, бироқ, бошқа бир илтимоси борлигини айтиб қолди: "Бўлгуси куёв менга "Тиббий кўриқдан ўтиш масаласида ташвиш қилманг, ўзим иккала-миз учун ҳам ҳал қилиб қўя қоламан, бу ерга маълумотнома топширишга бас", деса бўладими. Йўқ, бунга мен рози эмасман, уйдагиларим нима дейишади, деб эътироз билдирдим. Чунки мен, бу борада рўй берган кўнглисиз воқеаларни ҳам эшитган эдим. Яхшиси, мен тиббий кўриқдан ҳақиқий ўтилишини хоҳлайман. Шунинг учун орамизда хозирданоқ дилхираллик чиқмасин", деган ниёзда, менинг ўзим олдинроқ келиб, унга тиббий кўриқдан ўтишимиз назоратда эканини тушунтиришимизни илтимос қиламан".

Биз бўлгуси келинга чиндан ҳам бу тадбир жиддий эътиборимизда экани, бўлгуси келин-куёвларга бу ҳақда албатта зарур тушунтиришлар берилиши, бундан хаво-

тирланмаслигини айтдик. Шу кунни йигитга ҳам тиббий кўриқни сохталаштириш, аввало янги оила ва тугилажак фарзандлар тақдирини муаммолар пайдо қилиши мумкинлигини ҳаётини мисоллар билан батафсил тушунтирдик. У ҳам бизнинг маслаҳатимизни тўғри тушунди ва йўлланмани олиб кетди...

Албатта, бўлимиз ходимлари жойларда бевосита мутахассислар иштирокида олиб бориладиган таъриб тадбирларида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг ҳаётини аҳамияти, бу масалада тиббий кўрик маълумотларини сохталаштириш хунук оқибатларни келтириб чиқариши, сохта маълумотнома билан бошқаларни эмас, фақат ўзларини алдаши мумкинлигини, жисмидаги жиддий касалликларини яширишиб, келажакда оиласи ва фарзандлари ҳаётини хавф остига қўйишини тушунтирамиз.

Тиббиёт ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида "Ёш оила мактаби"да никоҳланувчиларга тиббий кўрик текширувларидан ўтишининг афзалликлари доимий тарғиб қилишмоқда. Зеро, янги ҳаёт остонасида турган фарзандларимизнинг саломатлиги учун ҳар биримиз масъулмиз.

**Солиҳа ўРМОҲОВА,**  
Бўка тумани ФХДЭ бўлими мудири.

Жараён

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Юрт келажаги» республика кўрик-танлови ҳамда «Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Камалак юлдузлари" фестивалида қатнашиш учун юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида яшовчи 35 минг нафардан кўпроқ, 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган жажжи истеъдод соҳибларидан аризалар қабул қилиниб, улар мумтоз музыка, миллий чолғучилик, рақс, тасвирий санъат ва адабиёт йўналишларидаги ижод намуналари билан қатнашдилар.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришда кўмак бериш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилган «Юрт келажаги — 2013» танловига эса 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди. Улар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, аънавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойён қилдилар. Танловнинг республика босқичида голибликни қўлга киритган ёшлар тақдирланди.

Истеъдодли ёшлар ва таниқли санъаткорларнинг тадбир якунида намойиш қилган концерт дастури барчага завқ-шаўқ улашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Гулноза БОБОЕВА,**  
"Оила ва жамият" мухбири.

## БОЛАЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН БАЙРАМ

Янги йил арафасида «Туркистон» саройининг фойсесида Қорқобо ва Қорқиз барча болаларни қутлуг байрам кечасига чорлайди. Кичкинтойлар турфа чироқлари ўйинчоқлар билан безатилган арча атрофида янги йил, Ватан, бахтли болалик, байрам шодиеналарига бағишланган шеърлар айтиб, қувноқ куй-қўшиқлар, рақсларга жўр бўлади. Эстрада ва цирк санъати усталари иштирокидаги концерт дастури мажонларга бир дунё севинч улашди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандлари тақлиф этилди.

Кичкинтойларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди. Бундай байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

## Орамиздаги одамлар

Бугуннинг аёли жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шижоат, ўқтамлик ва фидойилигини намоён қилмоқда. Унинг бунёдкорлигида, ташаббускорлиги, ижодкорлигида аёл руҳиятидаги латифлик, жозиба ва қатъият мужассам. Зеро, мустақиллик берган имкониятлар, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар юртимиз хотин-қизларининг ана шундай яратувчанлик мақсадларига қанот бағишламоқда.

...Гулистон давлат университетининг шундоққона ёнидаги кўчаларнинг бирида таникли навоийшунос олим, филология фанлари номзоди, Бобур номидаги Халқаро мукофот соҳиби Ваҳоб Раҳмоновлар оиласи яшайди. Илм нуридан, тафаккур зиёсидан мунаввар ушбу ҳовлида икки ижодкор олим, сермазмун умрини ёшларга илм ўргатишга бағишлаётган мураббийлар – Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамовалар умргузаронлик қиладилар.

ИЛМ НУРИ  
ЁҒАР ДОИМ

Бу икки фидойи инсон, адабиётшунослик фанининг хокисор, камтар заҳматқашларининг умр йўлига ҳамма ҳавас қиладди. Мазкур университет доценти, филология фанлари номзоди, етук таржимон ва шоира Янглиш Эгамова билан ҳар гал суҳбатлашганимда унинг истеъдодидаги яна бир ижодий қиррасини кашф қилиб, ҳайратга тушаман. Опадан баъзан сўрайман: “Сизни ҳеч қачон ҳоргин қиёфада кўрмаганман. Хамиша ёшлардек шижоат, тетиклик билан кўнгилга тўққан режаларингизни амалга ошириш учун доим шошилиб юрасиз, бунинг боиси не?”

— Биласизми, ёнингизда сизни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган, изланишга даъват қилиб турадиган ҳамфикр инсон бўлса, ҳар қандай машаққатни енгасиз. Баъзан шундай ҳолат бўлади, бирор каттароқ ишга қўл уришга журъатим етмайроқ турса, домла (Ваҳоб Раҳмонов) бунни сезадиларда, “Сира иккиланманг, сиз бунни уддалайсиз”, дея руҳимни кўтарди. Шу сўзлари билан енг шимариб ишга киришиб кетаман. Бир қанча монография ва китобларимиз чоп этилган, нимадир ёзсак, бир-биримизга илк ўқувчи бўламиз, фикрлашамиз, адабиёт соҳасида бу жуда муҳим.

Қайнонам Хосият она тасаввуф илмидан бохабар эдилар. Онам Марзия опа ҳам маърифатли аёл бўлганлар. Мен бу икки инсондан аёллик фазилатларини, бекалик сир-синаотларини ўргандим.

Бугунги кунда икки ўғлимиз ҳам ҳаётда ўз ўрнини топишди. Эркинжон адабиётшунос, Тўлқинжон таржимонлик билан шуғулланыпти. Уч неварамиз — оиламиз чироғи, қувончимиз. Анваржон ва Зарифахон муомтоз адабиётимиз намояндаларини газалларини ёддан билишади. Уларнинг билимга чанқоқлиги, интилишини кўриб, кўнгилмиз тоғдек кўтарилади.

Меҳнат инсонни улуғлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашади. Орамизда ишчанлиги, камтарлиги, фидойилиги ва ташаббускорлиги билан эл орасида қадр-қиммат топиб, юксак хурматга сазовор бўлган опа-сингилларимиз жуда кўп. Янглиш Эгамованинг самарали меҳнати муносиб баҳоланди: 2000 йилда «Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

...Гулистонда сокин оқшом чўқди. Икки ҳамфикр ижодкор, умрини илмга бағишлаган инсонлар яшаётган зиёбахш хонадон деразаларидан бир ёруғ нур таралмоқда. Бу илм нури, тафаккур ва эзгулик нуридир. Унинг ҳар қатраси, ҳар бир қатми табарруқдир. Бу хонадон соҳибларини маънавий мерослари тарих катларидан бугунги авлодга етказилган улуг аждодларимизнинг руҳи мудом қўллаб, уларга илҳом бағишлаб туради.

Хайтхон ОРТИҚБОЕВА,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими.  
Сирдарё вилояти.

## Тараққиёт одимлари

“ЎЗБЕКИСТОН”  
БЕЛГИСИ БИЛАН...

УЙЧИ ТУМАНИДАГИ “МЕГА-ТЕКСТИЛ” МЧЖ  
ШАКЛИДАГИ ХОРИЖИЙ КОРХОНА  
ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲА

Ҳабибулло АКБАРОВ,  
“Мега-текстил” МЧЖ  
раҳбари:

— Аввало мустақил мамлакатимизда янги саноат корхоналари сони йилдан-йилга ортиб, уларнинг изчил фаолият юритиши учун имкониятлар эшиги мудом кенг очик эканини алоҳида айтмоқ жоиз. Айниқса, IX халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида ўзбек пахтаси ҳақида сўз кетганида юрагим қанчалар ҳаяжонга тўлди. Дунёнинг 40 та давлатидан мингга яқин вакилларнинг ярмарка якунидан келиб чиқиб берган ўз таҳлиллари ва хулосалари бу борада эришилаётган муваффақиятларимизни бутун дунёга яна бир бор намоён қилди. Ярмаркада хорижлик мутахассислар ва ҳамкасбларимиз билан иш тажрибаларимиз хусусида фикр алмашганимиз келгуси фаолиятимизда ижобий аҳамият касб этади, албатта.


2007 йилда ташкил этилган корхонамиз 70-80 нафар кишини иш билан таъминлаган бўлса, ҳозирда улар сони 220 нафарни ташкил этмоқда. Жамоамиз меҳнат, изланиш ва интилишлар натижаси ўлароқ, 2010 йили Уйчи туманидаги Ёркатай қишлоқ фуқаролар йиғинида корхонанинг янги биносига эга бўлди. Айни пайтда қўли гул ишчиларимизнинг олий сифатли толалардан йиғириб тайёрланган калава ип маҳсулотларининг 60 фоизи четга экспорт қилинапти, қолган

40 фоизини ички бозорга етказиб бермоқдамиз. Хусусан, Хитой, Корея, Россия давлатларидаги ҳамкорларимиз билан корхонамиз ўртасида тузилган шартнома асосида 2013

заева, Наима Ҳожимирзаева ва усталардан Айюбхон Қодиров, Обидхон Усмонов сингари ғайрат-шижоатли ёшларимизнинг меҳнати жамоамиз ютуқларида акс этиб турибди.

Туманимизда жойлашган иқтисодий ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг саноат йўналишидаги битирувчилари корхонамизда амалиёт ўташади ва шу ерга ишга қабул қилинадилар.

Мамлакатимизда барча харидорлар учун кенг имкониятлар яратилиб,



йил давомида уларга жами 800 минг АҚШ доллари қийматидаги калава ип маҳсулотлари етказиб берилди.

Ёшларнинг нафақат шижоати, балки, ўқуви, билим ва маҳоратлари бизни мамнун этади. Уларга ишонч билан қараб, йўл-йўриқ кўрсатиб юборилса бас, ҳар ишни аъло даражада уддалашади. Биласизми, одам кексайган сари ёшлигида улгуролмай қолган ишларига афсусланиб, менга имкон берилганда эди, деб қоларкан. Ишимизнинг давомчилари бўлган ёшларимизни иш билан таъминлаш орқали уларга ўз қобилиятларини намоён этиш имконларини яратишга биз ҳам ҳаракат қиляпмиз. Ишчиларимиз 4 сменада иш олиб бормоқда. Калава ипларини йиғирувчиларнинг 90 фоизини ёш қизлар ташкил этади. Корхонамизда ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Комилжон Маматчанов, тайёрлов цехидан Мухайё Муродова, йиғирув цехидан Муниса Боймир-

шартнома тузиш ҳажми, маҳсулотни етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш шартлари бўйича ҳеч бир чекловлар йўқлиги инвесторларга катта қўлайликлар беради, уларнинг қизиқишлари орттиришига хизмат қиладди. Тўқимачилик саноатининг тараққиётида чет эл инвестициясини жалб қилиш асосида барпо этилаётган замонавий корхоналар муҳим ўрин тутаяди. Келажақда иш қўламини янада кенгайтириб, ярим тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулотга айлантириш борасида инвесторлар билан фаол ҳамкорлик қилямиз. Ишчиларимиз сони ҳам 300 нафардан ортинги кўзда тутилмоқда. Йиғирилган калава иплар экспорти ҳажмини ошириш билан дунё бозорига Ўзбекистонимиз янада кенг тарқалишига ҳисса қўшишни эзгу ният қилганмиз.

“Оила ва жамият”  
муҳбири Нигора  
УРОЛОВА ёзиб олди.

“Мега-текстил” МЧЖ шаклидаги хорижий корхона жамоаси барча юртдошларимизни ҳамда соҳамиз вакилларини 2014 — “Соғлом бола йили” муносабати билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага тинчлик, тотувлик, сийҳат-саломатлик тилайди!

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Лукмон БҮРИХОН, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

(1966 йил туғилган)

1. Мана, йил ҳам қариди. Оппок яқтагига бурканиб сўнги сўзларини сўйламоқча чоғланиб турибди. Менинг эса у билан хайрлашгим йўқ. Ширинликка тўймаган боладай тамшаниб турибман. Ахир, 2013 — “Обод турмуш йили” аллақачон юрагимиз тубидан жой олиб бўлди. Юрдаги, жамиятдаги улкан ўзгаришларни кўриб, бир қувонсак, шахсий ҳаётимизда юз берган рангин, завқшавкли воқеаларни эслаб, ўн қувонамиз. Жуда хайрли ва баракали бўлди ўтаётган йилмиз. Аввало, элимизнинг ризқ-рўзи зиёда бўлди. Ғалладан, пахтадан мўл хирмон уйдик. Кўплаб замонавий намунали тураржой мажмуалари барпо этилди. Бундан, айниқса, ёш оилалар бахраманд бўлди. Бунинг ҳаммаси обод турмуш, фаровон ҳаётдан дарак!

Бир қаламқаш сифатида айтишим мумкинки, 2013 йил мен учун ҳам ижодий барака йили бўлди. Бир қанча қисса ва ҳикоялар битдим. Улар адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Кунни кеча “Эътироф-2013” номли тадбирида “Энг яхши бадиий асар” йўналиши бўйича қатнашдим. Бу ҳам мен учун қувончли воқеа! Хуллас, “Обод турмуш йили” да ҳаяжонли, ёрқин, севинчли саҳифалар кўп бўлди.

2. Шундоққина бўсағада турган янги йил — “Соғлом бола йили” деб номланди. Бунда чуқур, кенг қамровли маъно-мазмун ҳужасамдир. Озгина мушоҳада қилиб кўрсак, бунга амин бўламиз. Аждодларимиздан мерос анъана бўйича олиб қарасак, кириб келаётган янги йил от йили ҳисобланади. Отамнинг таъкидлашича, менинг ҳам мучалим от экан. Демак, қайсидир маънода бизга тегишли йил бу. Кўнгилда қандайдир соҳир туйғулар кечади. Янги йилда янги романимни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиш ниятим бор. Ҳозир шунинг устида тинимсиз ишлаб турибман. Биринчи режиссёр дўстларимиз билан менинг асарларим асосида учта бадиий фильм олишни ҳам янги йил режасига киритганмиз. Бу ёғи, ё насиб...

3. Азиз юртдошларимизнинг хонадонларидан соғлом фарзанд кулгиси ҳеч қанчон аримасин! Барчамизнинг орзу-ниятларимиз учқур отдай тез манзилига етиб борсин!

От — ниҳоятда серғайрат, учқур ва садоқатли жонивор. Шунинг учун ҳам от мучалида туғилганлар ўзига ишонган ва ҳамиша олға интиладиган инсонлардир. Юлдузлар башоратига кўра, мазкур йил барча бурж вакиллари катта муваффақиятлар ваъда қилмоқда. Бунинг учун ҳар бир киши ўз мақсадига эришиш учун тинмай интилмоғи лозим, албатта.

Янги йил барчага хайрли келишини тилаган ҳолда, от йилида ўз мучал ёшини нишонлайдиган турли соҳа вакилларига куйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

- 1. Ўтиб бораётган йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?
2. Мучал йилингиздан нималарни кутаяпсиз?
3. Байрам тилакларингиз...

# ҲАЯЖОНЛИ, ЁРҚИН ВА НУРЛИ САҲИФАЛАР...

Моҳигул НЕЪМАТОВА, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 31-оилавий поликлиника шифокори, акушер-гинеколог:

(1978 йил туғилган)

1. Умр оқар дарё мисоли о р қ а г а қ а р а ш н и б и л м а й д и. Х а ё т к и з и қ - д а, м а й - д а - ч у й д а н а р - с а л а р н и й ў қ о т т а - н и - м и з -



да жон-ҳаждимиз билан ачинамизу йўқотган вақтимиз учун куйинишни хаёлимизга ям келтирмаймиз. Аслида эса бирор йўқотилган нарсани топиб ўрнига қўйиш мумкин дир-у, аммо вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Назаримизда, ҳар йил бошида бизга икки қўллаб топширилган 365 ёки 366 куннинг адоғи йўқдай кўринади. Бугунги улгурмаган ишимизни эртага, эгпалаймасак индинга кўчираётганимизда кунларнинг саноғини унутиб ҳам кўямиз.

Одатда, ҳар йили ўз олдига муайян мақсадлар қўйиб, йил давомида уларни амалга оширишга ҳаракат қиламан. Аёл кишининг барча орзу-ниятлари оиласи, яқинлари, айниқса, фарзандлари билан боғлиқ бўлади. 2013 йил мен ва оилам учун хайрли келди, кўзлаган ниятларимнинг аксариятига эришдим. Тўнғич қизим мактабни битириб, интилиш ва ҳаракатлари туфайли олий ўқув юрти талабаси бўлди. Ўтаётган йилда беморлар, айниқса, ҳомилалар аёллар билан ишлаб, фарзандларини соғ-саломат қўлга олишда уларга ёрдам берганимдан мамнунман. Шифокор учун беморининг соғайиши ва унинг кўзларида порлаб турган қувончни кўришдан ортик

бахт йўқ, албатта. Ўтаётган йилда ана шундай шодлик ларзаларим кўп бўлди.

2. Кириб келаётган “Соғлом бола йили” да биз шифокорларнинг олдимиздаги масъулият янада ортади, деб ўйлайман. Насиб этса, бу йил ўз соҳам бўйича билимларимни янада ошириб, касб нуктаи назаридан тоифамни кўтаришга интилоқчиман. Фарзандларимнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун уларни турли тўғарақларга жалб қилмоқчиман.


3. Ҳаммамиз эски йилни амалга ошган, ошмаган орзу-ниятларимиз ҳисоб-китоби билан кузатиб, Янги йилни янги истак-орзулар билан кутиб оламиз. Кириб келаётган 2014 йилда ҳам қувонч ва шодликларимиз зиёда бўлсин, барча орзу-ниятларимиз амалга ошсин.

Раъно РАҲАБОВА, Тошкент Тиббиёт академияси даволаш факультети талабаси:

(1990 йил туғилган)

1. Оиламизда ҳар бир янги йилни муваффақиятлар билан кутиб олишга интиламиз. Ўтиб бораётган йил ҳаётимда жуда катта из қолдирадиган қувончли воқеа-ҳодисаларга бўй бўлди. Талабалар ўртасида ўтказилган илмий анжуманда муваффақиятли иштирок этдим. Шахсий ҳаётимдаги энг қувончли воқеа — оналик бахтига муяссар бўлдим.

Илмий фаолиятимга доир бир қатор мақолаларим чоп этилди. Албатта, ҳар бир ютуққа эришимизда оила аъзоларим, яқинларим, қайнонам ва умр йўлдошимнинг кўмағига суянганимни айти-



## Дил сўзи

шим жоиз. Ҳар бир инсон учун меҳр маскани ҳисобланган оиласи уни қўллаб-қувватлаб турса, инсон ўз олдига қўйган мақсадларига етиши осон бўлади.

2. Олдимида турган масъулият, ишонччи ҳис этган ҳолда, янги йилда янада каттароқ ютуқларни қўлга киритишни ўз олдимига мақсад қилиб қўйганман. Ўқшимни магистратура босқичида давом эттириб, “Юрак касалликлари” мавзусида бошланган илмий излаишларимни ниҳоясига етказиш ниятидаман.

3. Янги йилда билдирилган тилак ва истаклар, албатта, ижобат бўлишига ишонамиз. Чунки янги йил мўъжизаларга тўла байрам ҳисобланади. Шундай экан, бу йилда барча тенгдошларим, азиз юртдошларимга бахт, омад, қувонч ва ютуқлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Ширин ҲУСАНОВА, Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 24-мактабнинг 4-синф ўқувчиси:

(2002 йили туғилган)

1. Ҳар куни эрта тонгдан мактабга ошиқар эканман, келажакда етук инсон бўлиш учун, устозларим айтганидек, чуқур билим олиш ва ўқиб-ўрганиш зарурлигини ҳис қиламан. Дарслардан аъло баҳолар олиб, бувижонимни хурсанд қиламан. Синглим билан ҳар куни бирга мактабдан қайтгач, янги эртак ўқиб, бир-биримизга гапириб берамиз. Ҳафтанинг икки кунини синглим иккимиз инглиз ва рус тилларини ўрганиш учун тўғарақларга қатнадик.

2. Ҳар сафар янги йилни оила аъзоларимиз билан кўтаринки кайфият ва эзгу тилаклар билан кутиб оламиз. Бу йил эса доимгидан ҳам ўзгачароқ туюлмоқда. От йили нафақат мен, балки барча тенгдошларим, ота-онам ва жажжи синглим учун ҳам ўзгача таассуротлар олиб келиши аниқ. Мучал ёшим яқинлашаётгани сари ўзимда қандайдир ҳаяжон сезаяпман. Яқинларимнинг меҳрибонлиги ва менга нисбатан ишончлари жуда қувонтиради. Ўтаётган йиллар асносида мен ҳам катталар сафига кириб бораётганим эса қалбимга ғурур бермоқда.

3. 2014 йилда барча яқинларим — бувижоним, буважоним, ота-онам ва синглимга, тенгдошларим ва устозларимга энг яхши тилакларни тилайман. Кимнинг кўнгида қандай эзгу ниятлари бўлса, амалга ошсин, дейман.

“Оила ва жамият” муҳбири Зарина РАҲМОНОВА ёзиб олди.



СЕМУРҒ – бу сўз эртакларда айтиладиган афсонавий қуш маъносини ифодалайди. Адабиётимизда бу қуш ҳақида ривоятлар, эртаклар, ҳатто дoston ҳам бор. “Семурғ” сўзининг туб илдизи “ўттиз қуш” деган маънони англатади.

Давлат кўнса гар чибиннинг бошига, Семурғ қушлар салом берар қошида. “Алпомиш” достонидан

ВАЖ – бу сўз асли “важҳ” бўлиб, унинг туб илдизи “юз”, “ҳеҳра”, “томон” деган маъноларни англатган. Унинг “сабаб”, “асос”, “баҳона” каби маънолари кейин пайдо бўлган. Тилимизда, асосан, бирор нарсанинг сабаби “важ” сўзи билан ифодаланади. “Важ” сўзига “қорсон” сўзи қўшилиб, ўз қилмишини асослаш, далиллаш учун келтириладиган сабаб ёки баҳонани ифодалайдиган “важ-қорсон” сўзи ҳосил бўлган.

Йиги-сиги, важ-қорсон билан кутулиб бўлмайди. Асқад Мухторнинг “Туғилиш” романидан

ГАРМДОРИ – бу сўзнинг “қалампир” маъносини англатишини ҳаммамиз яхши биламиз. Хўш, “гармдори” сўзининг туб илдизи қандай мазмунга эга? Сўзнинг ўзига эътибор билан қарасангиз, дарров унинг асл илдизини фаҳмлайсиз. “Гармсёл”, “гармдори” сўзларидаги “гарм” сўзи “иссиқ” деган маънони англатади. Демак, “гармдори” сўзи “иссиқ, қайноқ дори” деган мазмунни ифодалайди.

Қарши томондаги болохонада Иқбол холянинг саришта қўллари ипга тизилган маржон-маржон гармдорилар осилиб турибди.

Ўтқир Ҳошимов

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ЖАМОАСИ

**Озод ва обод Ватанамиз аҳлини  
Янги йил — “Соғлом бола йили”  
билан самимий муборакбод этади!  
Азиз юртдошлар!  
Оилангизга бахт-саодат,  
сиҳат-саломатлик ҳамиша  
ҳамроҳ бўлсин,  
осмонимиз  
мусаффо, ҳаётимиз  
фаровон  
бўлишини  
тилаймиз.**

РЕКЛАМА

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,  
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

## Биласизми?

### АРЧАНИНГ УЗОҚ ЯШАШ СИРИ

Ривоят қилишларича, оби ҳаёт, яъни тириклик сувини яратган Луқмони Ҳаким уни ичишга кўнгли бўлмади, идишдаги суви ёш арча тағига тўккан эмиш. Арча дарахтининг узоқ яшаш ва доим ямғир бўлиб туриши сабабини ана шунга боғлайдилар.

Тажрибалардан маълум бўлишича, арча минг йилдан узоқ яшайди. Ҳозирда ҳатто икки минг ёшга кирган арчалар учирайди. Юртимиздаги хиёбонлар, истироҳат боғлари, ўқув масканлари йўлакларидан манзарали арча дарахтлари ўтқазилган. Улар атрофни гўзаллаштирибгина қолмай, балки экология тозаллигига ҳам хизмат қилади. Арчанинг бир неча хил навлари бўлиб, барглари ҳам ҳар хил кўринишга эга.

### ТОҒ ТЕПАСИДАГИ “ҚУДУҚ”

Тоғда шундай арчалар борки, тоғликлар уни «чўпон арча» дейишади. Бундай арчалар жудаям эъзозланади. Тоғликлар фикрича, ўрмондаги ҳар қайси арча бир қудуқ билан тенг. У қишда қорни, ёзда намни сақлайди.

Арча дарахтининг шифобахи хусусиятларидан бири, у тинка-мадори қурган, ҳорғин одамга малҳам бўлади. Арчанинг одами тинчлантирувчи яна бир ажойиб хислати ҳам борки, бу инсониятни ҳали-ҳамон лол қолдириб келмоқда.



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

кунидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, кеприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).  
Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 199894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кучаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Куилик кийим бозори рупарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, 199894 678-50-30 (кундузи)

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Сўз — онгдаги хасталик-ларнинг шифокори.

Ангисфен

\*\*\*

Кимки илми назар-писанд қилмаса — умрининг охирига-ча оқсоқланиб ўтади.

Афлотун

\*\*\*

Жаҳл қисқа аҳмоқликдир.

Гораций

\*\*\*

Доно ота фарзандлар учун чинакам сабоқдир.

Демокрит

## НИКОХ НОҚОНУНИЙ БЎЛСА...

Амалдаги қоидаларда белгиланишича, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас, яъни бу тарзда тузилган никоҳ эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди. Фақат диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ билан кифояланиб, никоҳни қонуний расмийлаштиришга лоқайд қаровчи айрим шахслар бу ҳолнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида олдиндан жиддий ўйлашлари лозим.

Хусусан, улар фарзандларига тузилганлик ҳақида гувоҳномалар олишда муаммоларга дуч келадилар. Агар бундай никоҳда бўлган эр-хотиннинг фарзандига нисбатан ўзи хоҳлаб ўз оталигини белгилатиб олмаган бўлса, кейинчалик бундай никоҳда бўлган эр-хотин ўзаро ажралганида фарзанд таъминоти учун алимент ундириш масаласи



тўғридан-тўғри ҳал этилмайди. Аёл алимент ундириш учун собиқ эрининг фарзандига нисбатан оталигини суд орқали белгилатишига тўғри келади.

Оила кодексининг 62-моддасига кўра, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибиде белгиланиши мумкин.

Оталикни суд тартибиде белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгиләтганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг ота-

си деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Оталикни белгиләш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Оталик суд тартибиде белгиланганидан кейин хотин диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳдаги эридан фарзандига моддий таъминот (алимент) ундириш масаласини суд

орқали ҳал этиши мумкин бўлади.

...Судга муружаат қилган Т. Мамутованинг С. Давлатовга нисбатан оталикни белгиләш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризасида улар 2000 йилнинг май ойда шаръий никоҳдан ўтиб, тўй қилишгани, икки нафар фарзанд кўришганини ёзган. Бироқ, С. Давлетов ўз фарзандларига нисбатан оталигини белгиләтмагани, улар учун моддий ёрдам бермаётганлиги, моддий жиҳатдан қийналиб қолишгани боис оталикни белгиләб, фарзандлари таъминоти учун алимент ундириб бериш сўралган. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, мазкур даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди, С. Давлетовнинг ўз фарзандларига нисбатан оталиги белгиләниб, ундан белгиләнган тартибда алимент ундирилиши тайинланди.

Маълумки, Оила кодексининг 117-моддасига кўра, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек, хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалик-

### Инсон ва қонун

дан 1-гурӯх ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин(эр)дан суд тартибиде таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳдаги хотин эридан бундай таъминот олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шу ўринда яна бир мисол келтирсак. Ш. Сатибалдиева жавобгар А. Эрматовга нисбатан фарзандлари ва ўзи таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга муружаат қилди. Унда А. Эрматов билан 2001 йилда шаръий никоҳдан ўтиб, турмуш қуришганлиги, ўрталарида икки нафар фарзанд борлиги, оилавий келишмовчиликлар сабабли улар 2011 йил август ойидан бери бирга яшамаётгани айтилган. Ота ўз ихтиёри билан уларга моддий ёрдам бермаган, Ш. Сатибалдиева вақтинча ҳеч қаерда ишламаслиги, шу ҳолатларни инобатга олиб, А. Эрматовдан кичик фарзанди таъминоти учун алимент ва ўзи учун фарзанди 3 ёшга тўлгунча ҳар ойда жавобгардан 50.000 сўмдан алимент ундирилишини сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, фарзандлар таъминоти учун алимент ундириш талаби қаноатлантирилди. Бироқ, тарафлар ўзаро қонуний никоҳда бўлмаганлиги сабабли Ш. Сатибалдиеванинг кичик фарзанди 3 ёшга тўлгунча қадар ўз таъминоти учун ҳар ойда А. Эрматовдан 50.000 сўмдан ундириш ҳақидаги даъво талаби рад этилди.

Деярли барча матбуот ва оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида никоҳни, албатта, расмийлаштириш шартлиги, фақатгина шаръий никоҳ билан кифояланиб турмуш қуриш турли муаммолар пайдо қилиши ҳақида сўз юритилмоқда. Тарғибот ишларининг ижобий самаралари ортаётгани билан бирга, юқоридаги каби ҳаётий мисоллар ҳам, афсуски, учраб турибди. Турмуш қураётган ҳар бир инсон келгусида нафақат ўзи, балки фарзандлари тақдири учун ҳам масъулиятни зиммасига олаётганини олдиндан чуқур англамоғи лозим. Ўзини бундай масъулиятдан олиб қочишга уринган киши билан ҳаёт риштасини боғлашга шовилмасдан аввал бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрган маъқул. Акс ҳолда, бундай бепарволик дунёга келган фарзандларнинг оила, ота-она ҳақидаги тасаввурлари га губор тушириши мумкин.

**Абдурахмон САФАЕВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Тошкент вилояти судининг  
судьяси.

### Бу қизиқ!

## МУСИҚА — ШИФО ЎРНИДА

Олимларнинг таъкидлашича, музика инсон миёсига бошқа воситалардан кўра чуқурроқ таъсир қилар экан. Куй-наво ҳиссиётларимизни уйғотиб, хотираларни ёдга олишимизга ундовчи воситалардир.

## СЎЛИГАН ГУЛЛАРНИ «ТИРИЛТИРГАН»

Музика болаларнинг улгайишига ёрдам бергандек, ўсимликларнинг ҳам ўсиб-унишига кўмаклашади. 1973 йилда тадқиқотчилар олиб борган изланишлардан маълум бўлдики, сокин музика остида ўсимликлар бир хил ўлчамда, яшил ва ёрқин рангларда, ҳатто музика оханглари янграган томонга эгилган ҳолатда ўсар экан. Рок музика оханглари ёрдамида етиштирилган гуллар эса жуда баланд, аммо буқилган ва япроқлари сарғайган ҳолда, шунингдек, куй эшитилиб турган тарафга тескари равишда ўсади.

## МАХСУС МУОЛАЖА

Миёсидан жароҳат олган кишиларда анча пайтгача жисмоний камчиликлар ва нуқтӣ етишмовчиликлар кузатилади. Бундай беморларни даволашда айрим мутахассислар музикани афзал билишади. Чунки куй мия фаолиятидаги яхшиланиш жараёнини тезлаштиради. Оханг ритми ва баландлиги беморларнинг қийналиб айтаётган сўзларини хиргойи қилиш асосида тўғриланиб кетишига ёрдам беради. Аутизм хасталигига қалиниб, гапира олмайди бир неча болаларда музикатерапия усули орқали тадқиқот олиб борилганда, улар ушбу даволаниш жараёнидан сўнг гапира бошлагани кузатилган.

## АЛЛА ЎРНИГА...

Муддатидан анча олдин туғилган болалар маълум муддат туғуруқхонада махсус назорат остида парвариланади. Улардаги ўшир жараёнини тезлаштириш учун эса кўпгина касалхоналарда таъсирли музикалардан фойдаланишади. Яъни қақалок хонасида оҳиста янграётган куй гўдақдаги оғриқли ҳисларни тарқатиб, овқатланишга бўлган кўникмани уйғотади. Касалхоналарда болаларни аллалаш мақсадиде, асосан, онанинг юрак уришига монанд музикадан фойдаланилади.

## ОҒРИҚНИ ЕНГАДИ

Американинг Юта университети тадқиқотчиларининг таъкидлашича, музика оғриқдан тушган беморларнинг кайфиятига кучли таъсир қилиб, ҳатто оғриқларни пасаитираар экан. Музика миёнининг сенсорли йўллари фаоллаштириб, оғриқли ҳиссиётлар тўхтаиб қўйган ақлий қобилиятни жадаллаштиради.

Интернет материаллари асосида ЗАРИНА тайёрлади.

## СУЯНЧ

Ёдимда, болалик чоғларимда отамнинг ишдан қайтишини интиқлик билан кутардим. Негаки, қўли-қўнжи тўлиб, тешик кулча каби ширинликлар олиб келарди-да. Фақат битта шарт бор, бизга ёдлатган «Кўғирчоғим», «Ширин кулча», «Кўзичок», «Дада, ҳорманг» каби бир-биридан содда ва бегубор шеърларни ёддан айтиб бериш эди. Қизларнинг кенжаси бўлганим учунми, мени бошқача сўяр, «она қизим» дея кўнғироқ сочларимдан тортиб эркаларди.

— Ўша кунни сира унутолмайман ва қаттиқ изтироб билан эслайман, — дейди бир дугонам. — Мактабни битириб, эндигина ишга кирганимда, онам турмушга бермоқчи бўлди. Бу вақтда мен олий ўқув юртига ўқишга кириш мақсадиде ишдан сўнг тайёрлов курсига қатнаётгандим. Онамининг наздида, турмушга чиқиб ёшида бўлсам-да, ўқишга кириш умидида юрганам учунми, ҳали турмушга чиқиб тасаввур ҳам қилолмасдим. Устига устак, ёш эдим. Шунинг учун бу сафар онаминг таклифини рад этдим. Эртаси куни совчилар олиб келган дастурхон қайтарилди ва мен эркин қушдай ишга, ўқув курсига шовилдим.

## Қадрият

Лекин онамининг бир ҳафта мен билан гаплашмаганидан сездимки, у киши қаттиқ ранжиганди. Виджоним қийналганидан кўнглимга на иш, на имтиҳон сигди. Ўзимни шунақа ёмон ҳис қилдимки, ўша дамларда меҳрибон отамнинг «Онаси, ҳаёт инсонга бир марта берилади, қиз бола бировнинг хасми деймиз, лекин эртага бирор касб-хунарни эгалласа, кам бўлмайди, қани, дуо қилайлик, илоҳ, юзимизни ерга қаратмасин», дея айтган бир оғиз далдаси бу мушкул вазиятдан чиқиб кетишимда руҳан кўмак бўлди. Вақт — олий ҳақам, деганларидек, ўша йили ўқишга кирдим ва онам ҳам мени тўғри тушуниб, учинчи курсни битирганимча келган совчиларга розилик бермади. Ниҳоят, ўзлари билган-таниган оиланинг фарзандига уза-тишди. Ҳозир жуда бахтли яшапман...

Аваллари катта-кичик, таниш-билишларим кўча-қўйда, тўй-томошадда кимнинг қизисиз, деб сўраб қолишса, ғурур билан баралла отажонимнинг номларини тилга олардим. Энди эса... бир зум ўйга толаман ва кўзларимга ёш тўлади.

Моҳира ИСМОИЛОВА



**КИМ ТУШ  
КЎРМАЙДИ?**

Психоаналитиклар тушнинг илмий жиҳатини очиб беришга кўп бора ҳаракат қилишган. Тушлар инсоннинг онг остидаги эҳтиросларининг уйку пайтида юзага чиқишидир, деган таъриф ҳам кўп йиллар давомида ягоналигича қолмоқда. Бу фикрга кўра, уйғоқ пайтимизда кўрган-кечирганларимиз онг остида йиғилиб боради ва уйку пайтида намоён бўлади. Дадасидан ўйинчоқ машина олиб беришини сўраган бола кечаси билан тушида машина ҳайдаб чиқади. Бирон киши томони-



дан дўппосланган одам тушида қасос олади. Хуллас, бу каби фарзларни юзлаб келтириш мумкин. Тушларни ўрганиш устида узок вақт изланиш олиб борган олим Эрич Фром бу ҳодиса инсон ҳаётининг ўта муҳим унсурларидан бири эканини эътироф этган. Олим туш-



нинг унутиб юборилган тил эканини таъкидлаш билан бирга тушдаги рамзларнинг ҳам турлари ҳақида изланиш олиб борган. Изланишлари натижасида у "тушни таъбир қилишда рамзлар аънаванвий ёки кишининг ўзигагина хос бўлиши мумкин", деган ҳақиқатни исботлашга муваффақ бўлган.

Яна бир олим Доктор Клеитман тушларни таъбир қилиш жараёнида антика бир ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Уйкудаги одамнинг баъзи пайтлардагина кўз қорачиги ҳаракатланар эди. Бу кашфиётнинг маъносини у дарров англади. Туш кўриш вақтида кўзларнинг ҳаракатлари кузатилади. Умр бўйи умуман туш кўрмаганман деган бир неча кишини ухлатган Клеитман уларнинг кўзларини диққат билан кузатди. Кўзлар ҳаракати бошлангач эса, уларни дарҳол уйғотди. Барча «туш кўрмайдиганлар» умрларида биринчи марта туш кўрганликларини эътироф эттишти. Шунда Клеитман ўз таҳрибасидан шундай хулоса ясади: «Ҳамма туш кўради. Туш кўрмайдиган инсон йўқ. Фақат баъзилар тушларини эслай олишадди, бошқалар эса эслай олишмайдди. Бунинг энг асосий далили уйкудаги инсоннинг кўз ҳаракатларидир!»

**Наргиза СИДДИКОВА  
тайёрлади.**

**РАД ЖАВОБИНИ  
БЕРДИМ**

Умр йўлдошимнинг тўсатдан қон босими ошиб, инсультга чалиниб қолди ва тўшакка миҳланди. Ҳамширалик курсини тугатган қизим Хурматой эса уйда отасини парваришлай бошлади. Афсуски, у киши ана шу оғир дард туфайли оламдан ўтди. Маъракаларини ўтказиб, эндигина қизимни турмушга узатиш тараддудига тушганимизда, катта қайнопам гепатитнинг оғир турига чалиниб, шифохонага тушиб қолди. Қайнопам раҳматли турмуш қурмагани учун биз билан бирга яшарди. Ўтган йили қайнопам ҳам қазо қилди.

Шу тарика қизимнинг ёши ўтиб қолди. Ҳозир у **29 ёшда**. Суянадиган акаси ёки бирорта синглиси бўлганида дугоналари қатори бахтини топиб кетган бўлармиди? Ҳечдан кўра, кеч бўлса ҳам, тахририятдан тошкентлик, аввал уйланиб ажрашган Алижон исмли йигитнинг телефон рақамини олгандим. Қизим у билан учрашиб, турмушга чиқишга рози бўлганди. Аммо йигит совчиларини юбормай туриб, "Тўй қилишдан олдин бир-биримизни яхшироқ билиш учун шарый никоҳда яшаб кўрсак", деган таклифни билдирибди. Бу гапларни эшитиб, рад жавобини бериб юбордим. Ахир гулдай қизимни қонуний никоҳсиз узатиб, увол қиламанми? Янги йилдан умидларим катта. Шу боис яна сизларга мурожаат қилаяман. Зора, иймон-этиқодли бир инсон учраб, қизимни оила аталмиш бахт остонасига етакласа.

**ЯЙРА опа,  
Тошкент вилояти.**

**ОДОБНИ  
ОДОБСИЗДАН  
ЎРГАН...**

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. "Оила ва жамият" газетасининг муҳлисиман, ҳар йили обуна бўламан.

Унинг саҳифаларидаги ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўқиб, маънавий озуқа оламан. Газетанинг 31-сонидан чоп этилган "Чимилдиққа кирмаган қиз" номли мақолада Самандар исмли йигитнинг ўн гулидан бир гули очилмаган бўлажак турмуш ўртоғи ҳақидаги жумлаларни ўқиб, юрагимга изтироб тушди. "Бўлажак рафиқам билан иккимиз тўйимиздан олдин тўйхонага бориб, олдиндан гаров пулини бериб қайтаётганимизда катта тезликда келаётган машина биз ўтирган



**Бахтли бўлинг**

машинага урилди. Кўзимни очиб қараганимда эса Дилдорадан айрилиб қолгандим..." ёки "Кўнглим ўйинчоқ эмас" (25-сон) сарлавҳаси остида чоп этилган хат муаллифи Акмал шундай ёзади: "...Белгиланган жойга бориб, Саидани икки соат кутдим. Келмади. Бетоқат бўлиб кутаётганимни кўнгирик қилиб айтсам: "Ҳалиям турибсизми? Кетаверинг, мен сизни узокдан кўрдим, дидимдаги йигит эмас экансиз", деса бўладими..." "Ҳаёт ким ошди савдоси"ми? (36-сон) номли мактуб муаллифи 69 ёшли Умрбек ота 55 ёшли Карима исмли аёлнинг катта микдорда пул талаб қилгани ҳақида куюни ёзган. Бу сатрларни ўқиган, юрагидан ҳис қилган инсон қалб тарозисига солиб, мулоҳаза юритида ва "Одобни одобсиздан ўрган", деган нақл бежиз айталмаганига иқрор бўлади. Уз манфаати йўлида виждонини сотган орсиз кимсалар ҳақида-

ги бундай мактублардан нафақат ўзим учун хулоса чиқараман, балки уларни келинларим, невараларим ва ҳамкасб аёлларга ўқиб бераман. "Уч кундан сўнг тўй" (36-сон), "Бахтиёрлар кўпаяверсин" (31-сон), "Уйимда чироқ ёнди" (16-сон) каби дил номларини ўқиганда эса, ўз бахтини кўриб, чиройли ҳаёт кечираётган инсонларнинг қувончига шерик бўлгим келади. Ўқис кўнгиллarga қувонч, хувиллаган қалбларга шодлик улашаётган газетанинг жонқуяр ходимларига кўп сонли муҳлислар номидан раҳмат айтиб қоламан.

**Тожиғул ХУШВАҚТОВА,  
Фарғона вилояти,  
Бағдод тумани.**

**"ЭГИЗАКЛАРНИНГ  
ОТАСИ БЎЛДИМ"**

Тахририятга борганимда 2011 йилнинг ноябрь ойи эди. Тўғриси, газета орқали бахтимни топишимга ишонмагандим. Ҳатто ҳужжатларимни қабул қилган аёл Манзура исмли қизнинг телефон рақамини берганида ҳам иккиланиб орта қайтдим. Уйга бориб, бир неча кун телефон қилсамми, қилмасамми деб ўйланиб юрдим. Охири таваккал қилиб, керакли телефон рақамларни тердим. "Лаббай" деган жавобдан кўнглим алланачук бўлиб кетди. Ўғай онамдан ҳар доим таънаю дашном эшитиб яшаганим учунми, бу овоз мени ўзига ром этди.

Ўттиз икки яшар Манзураҳон сўқсудеккина қиз экан. Унинг муомаласи, кийиниш маданиятини кўриб, юрагим жиз этди. Беш-олти ойча у билан гаплашиб юрдик. Бир-биримизнинг синонимиздан яхши ўтган, уйдигиларни совчиликка юбордим. Мўъжазгина тўй қилдик. Янги йил менга олам-олам қувончли кунларни ҳаёда этди. Яқинда эгизак қизчаларнинг отаси бўлдим. 2014 йил оила қуришни ният қилган инсонлар учун омад ва бахт эшигини очишини тилаб қоламан.

**САИДАЗИМ,  
Бухоро вилояти.**

**Табиат — дорихона**

**ТЕТИКЛИК ВИТАМИНЛАРИ**

Йилнинг тўрт фаслида ҳам дармондориларга бой ноз-неъмат ҳамда озик-овқатлардан мунтазам тановул қилиб турилса, инсон организми витамин танқислигига учрамайди. Бунинг учун яхши ҳазм бўладиган таомларни оз-оздан ва тез-тез ейиш соғлиққа фойдалидир. Инсон организми учун куйидаги витаминлар ниҳоятда зарурдир.

**А** дармондориси. Агар инсон организмда ушбу витамин етишмаса, кўриш қобилияти пасайиб, айнан қоронги пайтида яхши кўрмай, шабкўр бўлиб қолиши ҳам мумкин. Кўпроқ сабзи, помидор, кўк нўхат, қовун, апельсин истеъмол қилиш билан А витамини етишмовчилигининг олди олинади.

**В<sub>1</sub>**, дармондорилари одам организмда камайиб кетса, кўзлар кўп ёшланадиган бўлиб қолади. Камқонлик, дармонсизлик сезилиши кутилади. Лаблар бичилиб қоладиган бўлади. Ушбу дармондорилар тухум, кўй гўшти, хамиртурушу ва пишлоқда мавжуд бўлиб, кундалик егуликлар рўйхатидан жой олиши лозим.

**В<sub>2</sub>**, **В<sub>3</sub>**, дармондориларининг камайиб кетиши натижасида одамда юрак ўйноғи юзага келади. Юрак бир маромда уриб туриши учун доимо куйидаги маҳсулотлар — қарам, сабзи, қовоқ, сузма, балиқ еб туриш керак.

**С** дармондориси инсон танасида камайиб кетиши милл оғриғи, бўғим касаллиғи, яралар тез битмаслигига олиб келади. Киши тез чарчайдиган бўлиб қолади. Бундай витамин картошка, булғор қалампери, кўкатлар, лимон, апельсинда кўп микдорда бўлади.

**Д** дармондориси организмда камайиши оқибатида тез-тез офтоб уриши кузатилади. Бундан ташқари, сочлар тўкила бошлайди. Сут маҳсулотларидан кўпроқ тановул қилиш орқали бунинг олдини олиш мумкин.

**Н** дармондориси — инсон организмда камайиши сезилса, демак, организмнинг ёғ безлари хасталикка чалинган. Шунингдек, сочлар қисқа вақт ичида оқариб, тез тўкилиши кузатилади. Ушбу витамин бўлка нон, гуручли таомлар, жўхорили гўжа ва жигарда кўп учрайди, шунингдек, ёнғоқ, кунгабоқар, қаноп ёғида ҳам бор.

**К** дармондориси етишмаслиги боис одам жигар, буйрак ва ичак касаллигидан шикоят қилади. Қон суюқлашиб, ивимай қолади. Ушбу витамин пиёз, қовоқ, кўк нўхат, ловия, жигар ва тухумда кўгдир.

**РР** дармондориси организмда етишмаслиги ичак, жигар, буйрак хасталигини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам доим қарам, пиёз, қовоқ, кўк нўхат, ловия, кўкатлар истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

**Фойдали  
МАСЛАҲАТЛАР**

Духовка патнисисидаги ёғ доғлари кишининг таъбини хира қилади. Доғлардан қутулиш учун патнис иссиқлигида унга туз сеппиб, қоғоз бўлағи билан ишқалаб ташласангиз кифоя.

\*\*\*

Кийимлардаги сиёҳ доғини кетказиш анча мушкуллигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо уни тозалашимиз шарт. Бундай буюмларни илиқ сувда яхшилаб ювинг ва лимон шарбати ёки кислотаси қўшилган арашашмага 30 дақиқа ювинг кўйинг. Шундан кейин уни сувга чайиб олсангиз, доғдан асар ҳам қолмайди.

\*\*\*

Қора матодан тикилган кийимларни ювгандан сўнг бироз тузли сувда чайсангиз, унинг кўриниши янада яхшиланади.

\*\*\*

Шиша идишларни аввал илиқ сувда ювиб, сўнг совуқ сувда чайсангиз, у кўзни қамаштирар даражада ялтирайди.

\*\*\*

Товуқ гўштини пиширишдан олдин унинг устига қалин қилиб қаймоқ суртсангиз, у тилла ранг бўлиб пишади.

\*\*\*

Картошкаларни пўстоғи билан қайнатсангиз, ундаги витаминлар яхши сақланади.

**Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.**

# ОТ ЙИЛИДАН НИМАЛАРНИ КУТАЯПСИЗ?



## Кўй (21 март — 20 апрель)



От мучалида туғилган мазкур бурж вакиллари учун йил бошланишида ҳамкорлар ёрдамига кучли эҳтиёж сезилади. Кўчмас мулк ёки катта маблағ билан боғлиқ келишмовчиликлар юзага келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Санъат соҳасида фаолият юритувчи — актёр, рессом, муסיқчиларга бу йилда омад кулиб боқади. Эркин тadbиркорларнинг эса янги, истиқболли гоёлари, режалари амалга ошади. Янги йилда ушбу бурж вакиллари учун оила ҳар қандай мансаб, бойликдан устунроқ бўлади.

## Бузоқ (21 апрель — 21 май)



Тadbиркорлик борасида муҳим ишларга кўл уришади. Ҳамкасблар ва кўл остидагиларга эътиборли бўлишга тўғри келади. Молиявий томондан йил боши унча қувонarli бўлмаслиги мумкин. Юлдузлар дўст ва яқинлар ёрдамига таянишни маслаҳат беришмоқда.

Оилавий ҳаётлари ҳиссиётларга бой ва завқли ўтади. Ҳар қандай вазиятда яқинларга меҳрларини бағишлашга тайёр туришади.

## Эгизаклар (22 май — 21 июнь)



Бу бурж вакиллари ўзларини севишни ўрганишлари жоиз.

Ҳамкасблар билан ўзаро низоларда эҳтиёт бўлинг. Маблагингиз миқдори ортади. Бу йилда харажатлар ҳам етарлича бўлади. Янги уй жиҳозлари, кийим-кечак учун одатдагидан кўпроқ пул сарфлайсиз.

Йил муҳаббат борасида романтик тарзда бошланади десак, муболаға бўлмайди. Янги ҳаёт бўсағасида турганлар бир-бирини қайтадан кашф қилишади.

## Қисқичбақа (22 июнь — 23 июль)



2014 йилда ушбу бурж вакилларининг иродаси кўп жиҳатдан синовдан ўтади, дейиш мумкин. Албатта, ҳар бир бир имтиҳондан сўнг уларда мукофотлар, янги танишувлар ва мансаб пиллапоярларидан кўтарилиш кузатилади.

Йилнинг биринчи қисми молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва тинч ўтади. Оилага тинимсиз даромад келиб туради. Йилнинг иккинчи ярмида янги фойда йўлларини кашф этишлари

мумкин.

Тақдир уларга севги, янги танишув ва оилавий бахт учун барча имкониётларни беради.

## Арслон (24 июль — 23 август)

Мазкур йил арслон буржидагилар учун муаммоли бўлмайди. Молиявий жиҳатдан ҳам анчагина мустаҳкам бўлишади. Бирор харидлари учун совринли ютуққа эга бўлишлари мумкин.

Оилавий муносабатларда уларда ҳис-туйғулар кучайиши ва муносабатлар янада мустаҳкамланиши тахмин қилинмоқда.

Соғлигингизга эътибор қаратинг. Табиат кўйнига чиқиб, тоза ҳаводан нафас олишда эринчоқлик қилманг.

## Паризод (24 август — 23 сентябрь)

Мазкур бурж остида туғилганлар, айниқса, ёз ойларидан бошлаб кутилмаган янгиликлардан шодмон бўлишади. Бу муждалар уларни молиявий жиҳатдан қувонтиришига шубҳа йўқ. Оилалилар йил давомида катта лойиҳаларни амалга оширади ҳамда рўзғор ишларида фаол бўлишади.

## Тарози (24 сентябрь — 23 октябрь)



2014 йил тарози буржи вакиллари учун янги воқеаларга бой бўлади. Хусусан, иш соҳасида йилнинг бошидан охиригича куч-ғайратлари сўнмайди. Молиявий жиҳатдан анчагина мустаҳкам бўлишади. Утган йилги мураккаб режалар мазкур йилда осонгина амалга ошади. Шахсий ҳаёт борасида ҳам аҳамиятга молик ўзгаришларни бошдан кечиришади.

Саломатлик борасида бурж вакиллари эътиборлироқ бўлиш талаб этилади.

## Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)



Янги йилда улар оиласи ва ўз шахсий ҳаётини яхшилаш учун анча тер тўқади. Ҳали турмуш қурмаган бурж вакиллари шу масала ҳақида жуддий фикрлай бошлашлари мумкин. Йилнинг боши одатдагидан кўпроқ ҳаракатчанлик ва киришимликни талаб қилади. Кечгача ишлаб, юмушнинг бир қисмини уйда дам

## Бурж ва тахмин

олиш кунлари давом эттиришингиз мумкин. Маблагнинг кўпайиши нафақат моддий жиҳатдан, балки муносабатларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ишхонада бажара олишингиз мумкин бўлганидан ортиқ ишни масъулиятингизга олманг. Ички ҳиссингиз сизга қайси иш ортиқча эканини билиб олишга ёрдам беради.

## Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)

Бурж соҳиблари учун 2014 йил турли воқеалар ва ҳис-туйғулар ортишини ваъда қилмоқда. Гийбатларга эътибор бермаслик, умр йўлдошига нисбатан ишонсизликка чек қўйишлари лозим.

От йилида яқовлик қилмаган бурж соҳибларининг даромадлари сезиларли даражада ошади. Бу йил улар учун анча омадли бўлади. Баҳорда мартаба зинаси бўйлаб кўтарилиши муваффақ бўлишади. Лекин омадни кўл қовуштириб қуттиш ярамайди, мақсад сари интилиш зарур.

## Тоғ эчкиси (22 декабрь — 20 январь)

Ушбу йил тоғ эчкиси буржидагилар ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол бўлишади. Дўст ва танишлари доираси кенгайди. Улар қандай мақсадга қайси йўл билан эришиш мумкинлигини билишади.

Молиявий жиҳатдан уларнинг ҳаётида жиддий ўзгариш сезилмайди. Йил ўрталарида қарз олиш ва беришда, молиявий шартномалар тузишда эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз.

## Қовга (21 январь — 19 февраль)

Қовга буржи соҳиблари учун от йили омадли келади. Сизга хушомад қилувчилар кўп бўлади, лекин улар орасида тўғри маънода мақтовчилар ҳам топилади. Баҳор фаслида кайфиятингизни кўтарувчи воқеалар кўп бўлади. Дўстлар билан муносабатларингиз янада мустаҳкамланиб, ўз жуфтингизга нисбатан кучли меҳр туйғусини ҳис қиласиз. Интеллектуал жиҳатдан билимларингиз янада бойиши кутилмоқда.

## Балиқ (20 февраль — 20 март)

Оилавий ҳаётлари бир маромда кечади. Яқинлари, ота-оналарининг аҳволидан тез-тез хабар олиб турсалар, ўзларини ёлғиз ҳис этмайдилар. Уй ишларига қўмилиб қолмасдан, ҳар замонда маданий ҳордиқ чиқаришни ҳам унутмаслик керак. Йилнинг бошлари молиявий жиҳатдан бироз қийин кечади. Бироқ ёзда ҳаммаси ўз изига тушиб кетади. Йил охириларида эса даромадингиз кўпайиб, анчагина пул орттирасиз.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

## БАҲОРА — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Баҳора Абдусатторова Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида ўтказилган 8-18 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги шахмат бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори бўлди.



Сўнги турда Баҳора россиялик Анна Васенинани мағлуб этиб, ўз очколари сонини 9 тага етказди. Шундай очкони тўплаган юнонистонлик Ставроула Тсолакидоу қўшимча кўрсаткичлар эвазигагина чемпионликни қўлга киритди. Анна Васенина учинчи ўринни эгаллади. Яна бир терма жамоамиз вакиласи Гулруҳбегим Тоҳиржоновна шу ёш тоифасида 11-турда Анна Мажа Казарян (Голландия) устидан галаба қозониб, 8 очко билан фахрли бешинчи ўринни эгаллади.

Юртимизнинг энг кучли 19 дзюдочи полвони Термиз шаҳридаги "Ал-помиш" спорт мажмуасида мутлақ вазн тоифасидаги спортчилар ўртасида ўтказилган турнирда ўзаро куч синашди.

## КУЧЛИ ДЗЮДОЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мусобақанинг ярим финал баҳсида ўз гуруҳларида голибликни қўлга киритган полвонлар гиламга чиқишди. Элёр Машарипов Соиб Қурбоновни енган бўлса, Болтабой Болтаев Бахтиёр Менглиқулловни мағлубиятга учратди.

Финалда Болтабой Болтаевдан устун келган Элёр Машарипов мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

## ШАЦКИХ «ГОВЕРЛА»ДА

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ ҳужумчиси Максим Шацких Ужгороднинг "Говерла" жамоаси билан шартнома имзолади. Бу ҳақда Украинанинг "Футбол 1" телеканали хабар бериб ўтди. Футболчининг клуб билан шартномаси 2,5 йилга тузилди.

Эслатиб ўтамиз, Шацких мавсумнинг биринчи қисмини Киевнинг "Арсенал" жамоасида ўтказганди. Аммо ушбу клуб молиявий қийинчиликлар туфайли тарқатиб юборилган. У "Арсенал" таркибида 95та ўйинда майдонга тушиб, 22та гол киритган.

Интернет манбалари асосида И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлғезмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилором МАТКАРИМОВА  
Саҳифаловчи — Илхом ЖУМАНОВ  
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1228. Формати А3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6560. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web site: oila-va-jamiyat.uz

12/А5